

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**218** Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштири-  
ладиган васиятномалар ва ишончномаларни тас-  
диқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш  
ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231*

*(2011 йил 4 июндан кучга киради)*

«Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбе-  
кистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон,  
42-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятно-  
малар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ило-  
вага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий  
ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбеки-  
стон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси  
(С. Нуриев) ва Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д. Якубова)  
ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор  
шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари  
тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр  
этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун  
ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов  
зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 25 май,  
111-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2011 йил 25 майдаги  
111-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган  
васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш  
тартиби тўғрисидаги  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова), «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 42-модда) ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**васиятнома** — фуқаронинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини ўзи вафот этган тақдирда бошқа шахсга ўтказиш хусусидаги хоҳиш истаги билдирилган ҳужжат;

**ишончнома** — бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 136 ва 1126-моддалари ҳамда «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига мувофиқ қуйидагилар нотариал тасдиқланган васиятномалар ва ишончномаларга тенглаштирилади:

касалхоналарда, госпиталларда, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаётган фуқароларнинг ушбу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош шифокорлари, уларнинг тиббиёт бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи шифокорлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ва бош шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юрган кемаларда сафарда бўлган фуқароларнинг шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

кидирув экспедицияларида ёки шунга ўхшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар жойлашган, нотариуслар бўлмаган пунктларда эса, шу қисмларда ишловчи ҳарбий хизматчи бўлмаган шахсларнинг, улар оила аъзоларининг ҳамда ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ёки қамоқдаги шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно.

Юқорида санаб ўтилган васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар (кейинги ўринларда мансабдор шахслар деб юритилади) таркиби кенгайтириб талқин этилишига йўл қўйилмайди.

Даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаётган, қидирув ёки шунга ўхшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқаролар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш масалалари бўйича умумий асосларда давлат нотариал идораларига мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир.

3. Мансабдор шахслар васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Йўриқномага амал қилади.

4. Мансабдор шахсларнинг ва амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғи билан амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади.

Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5. Мансабдор шахс васият қилувчига ёки ишонч билдирувчига ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қўмаклашади. Шу мақсадда:

васиятнома ва ишончномаларни расмийлаштиришдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни уларга тушунтиради;

васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлаш муносабати билан вужудга келадиган оқибатлар тўғрисида огоҳлантиради;

фуқароларнинг илтимосига кўра зарур ҳолларда васиятномалар ва ишончномалар лойиҳасини тузади;

васиятнома ва ишончномаларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тартибини тушунтиради.

## **II. Васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари**

6. Мансабдор шахс вояга етган шахсларнинг мурожаатига биноан уларнинг васиятномалари ва ишончномаларини тасдиқлайди.

7. Васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлашда мансабдор шахс васият қилувчи ва ишонч билдирувчиларнинг шахсини, шунингдек фуқароларнинг муомала лаёқатини белгиланган тартибда аниқлайди.

Васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлашда мансабдор шахс васият қилувчи ва ишонч билдирувчиларнинг шахсини қуйидаги ҳужжатларга асосан аниқлайди:

Ўзбекистон фуқароларининг шахси — миллий паспорт;

ҳарбий хизматчиларнинг шахси — ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Мансабдор шахсда васият қилувчи ёки ишонч билдирувчининг руҳий касаллиги ёки акли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб ёхуд спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди деб ҳисоблаш учун асоси бўлсада (шубҳа туғдирсада), аммо шу фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, у васиятномани ёки ишончномани тасдиқлашни кечиктиради ва суднинг шу фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топганлиги тўғрисидаги қарори бор-йўқлигини аниқлайди. Агар мазкур фуқаро суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, мансабдор шахс нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади. Агар мансабдор шахснинг ушбу ҳаракатидан васият қилувчи ёки ишонч билдирувчи норози бўлса,

мансабдор шахс унинг устидан шикоят қилиниши мумкинлигини тушунтиради.

Агар мазкур фуқаро суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса, мансабдор шахс нотариал ҳаракатни амалга оширишда муомала лаёқати чекланган шахс ҳомийсининг розилигини талаб этади.

8. Васиятнома ёки ишончномани тасдиқлашдан олдин мансабдор шахс ҳужжат лойиҳасини овоз чиқариб ўқиб беради ёхуд васият қилувчининг ёки ишонч билдирувчининг ўзи уни ўқиб чиқади. Агар васият қилувчи ёки ишонч билдирувчи ҳужжат лойиҳасининг матнига рози бўлса, у мансабдор шахс иштирокида уни имзолайди.

9. Агар васият қилувчи ёки ишонч билдирувчи жисмоний нуқсони, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра васиятномани ёки ишончномани ўз қўли билан имзолай олмаса, васиятнома ёки ишончномани унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва мансабдор шахс ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда васиятнома ёки ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувида қайд этилиши лозим.

Қуйидаги шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:

мансабдор шахс;

васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

саводсиз бўлган шахслар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Мансабдор шахс ишонч билдирувчининг ўрнига ишончномани имзолаши ман этилади.

10. Васиятнома ва ишончномаларнинг матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши лозим, васиятнома ва ишончномаларнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан ёзилиши лозим.

Қўшимча ва тузатишлар тегишли шахсларнинг имзосидан олдин изохланиши ва тасдиқловчи ёзувнинг охирида мансабдор шахснинг имзосидан олдин тақроран изохланиши, мансабдор шахснинг имзоси ва тегишли ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланиши керак.

Тасдиқловчи ёзувдаги тузатишлар мансабдор шахснинг имзосидан олдин изохланиши ҳамда унинг имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши лозим. Бунда, тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлиши зарур.

11. Васиятнома ёки ишончнома қонун талабларига мувофиқ бўлмаган, яъни қонунларни четлаб ўтиш мақсадида давлат ва жамиятнинг манфаатла-

рига зид ҳолда амалга ошириладиган тақдирда мансабдор шахс бундай нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади.

12. Мансабдор шахс ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош-уруғлари (отонаси, болалари, набиралари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан васиятномаларни ва ишончномаларни тасдиқлашга ҳақли эмас.

13. Мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалар ва ишончномалар мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни рўйхатга олиш китобида қайд этилади. Васиятнома ёки ишончнома қайд этилган тартиб рақами тегишли васиятнома ёки ишончноманинг барча нусхаларидаги тасдиқловчи ёзувга қўйилади.

### III. Васиятномани тасдиқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

14. Тасдиқланаётган васиятнома бир кишининг номидан тузилиши керак. Бир неча кишининг (эр-хотин, ака-укалар, опа-сингиллар ва бошқалар) номидан тузилган васиятномалар тасдиқланиши мумкин эмас. Ҳомийнинг ўз ҳомийлигидаги шахс номидан, шунингдек ишончнома асосида васиятномани тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

15. Фуқаро васиятномани тасдиқлаш учун мурожаат қилганда, мансабдор шахс ушбу фуқарони Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1134 — 1147-моддалари билан аниқланадиган қонун бўйича ворислари доираси билан таништиради ва унга қўйидагиларни:

а) ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини (жумладан, оддий уй-жиҳозлари ва рўзғор буюмлари, банклардаги омонатларини) қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қолдириши, васиятномада қонун бўйича меросхўрлардан бирини, бир нечтани ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилиши мумкинлигини;

б) агар васиятнома бир неча кишининг номига тузилган бўлса, васиятномада мулкнинг уларга тегадиган улушини кўрсатиши мумкинлигини;

в) васиятномани исталган пайтда васиятнома сақланаётган давлат нотариал идорасига ариза бериш йўли билан ўзгартириши ёки бекор қилиши, жумладан, янги васиятнома тузиш йўли билан уни қисман ёки тўлиқ бекор қилиши мумкинлигини;

г) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127 ва 1142-моддалари талабларини тушунтириб беради.

16. Васиятнома бекор қилинганда, васият қилувчининг ёзма аризасига кўра тегишли нотариус томонидан васиятноманинг барча нусхалари устига васиятнома бекор қилинганлиги ҳақида устхат ёзиб қўйилади.

17. Васиятнома лойиҳасини тузишда мазкур Йўриқноманинг 2 (агар

васият қилувчи ўзининг барча мол-мулкини васият қилмоқчи бўлса) ва 3-иловаларидаги (агар васият қилувчи ўз мулкининг бир қисмини васият қилмоқчи бўлса) намунавий шакллардан фойдаланиш тавсия этилади.

18. Васиятнома икки нусхада тузилади ва тасдиқланади. Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим.

19. Васиятнома васият қилувчи томонидан имзоланганидан сўнг мансабдор шахс уни тасдиқлайди. Васиятномани тасдиқлашда унга мазкур Ўўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ тасдиқловчи ёзув ёзилади ва мансабдор шахс томонидан имзоланиб муҳр қўйилади.

Ушбу Ўўриқноманинг 9-банди биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда васият қилувчининг васиятномани шахсан имзолай олмаслик сабаби кўрсатилган ҳолда мазкур Ўўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ тасдиқловчи ёзув ёзилади.

Тасдиқловчи ёзув қоида тариқасида васият қилувчининг имзоси остига ёки васиятноманинг орқа томонига ёзилади.

Тасдиқловчи ёзув тегишли хужжатга сиғмаган тақдирда, у хужжатга бириктириб қўйилган алоҳида қоғоз варағида давом эттирилиши ёки тўла баён этилиши мумкин. Бунда хужжат матни баён этилган варақлар ва тасдиқловчи ёзув варақлари ип ўтказиб тикилади, рақамланади ва мансабдор шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, ташкилотнинг муҳри босилади.

Васиятномага рецептлар, касаллик варақалари ва бошқа мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган муҳрлар қўйилиши мумкин эмас.

Васиятномани васият қилувчи шахс томонидан тузилиши, имзоланиши ва мансабдор шахс томонидан тасдиқланиши бир кунда амалга оширилиши шарт. Мансабдор шахс тасдиқловчи ёзувда васиятнома васият қилувчи томонидан имзоланган ва тасдиқланган куннигина эмас, балки соатини ҳам кўрсатиши мумкин.

20. Бош шифокор (унинг тиббиёт бўйича ўринбосари ёки навбатчи шифокор) бир вақтнинг ўзида даволовчи шифокор бўлган ҳолларда, васиятнома у томонидан даволовчи шифокор сифатида эмас, балки бош шифокор (унинг тиббиёт бўйича ўринбосари ёки навбатчи шифокор) сифатида тасдиқланади.

Васиятномани тасдиқловчи навбатчи шифокорнинг имзоси қўшимча тасдиқланмайди.

21. Васиятномани тасдиқлашда васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатларини, шунингдек васият қилувчининг васият қилинаётган шахс билан қариндошлик асосларини тасдиқловчи хужжатларини тақдим этиш талаб қилинмайди.

Васият қилувчининг илтимосига биноан васиятномани тасдиқлашда гувоҳлар иштирок этиши мумкин. Бунда васиятноманинг ҳар икки нусхасига бу ҳақда ёзиб қўйилади.

22. Васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахс васиятноманинг бир нусхасини васият қилувчига беради, иккинчи нусхасини эса васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги мерос расмийлаштириладиган давлат нотаerial идорасига сақлаш учун ўн кун муддат ичида юборади.

Агар васият қилувчининг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлмаса ёки унинг доимий яшаш жойи номаълум бўлса, васиятнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайдиган давлат нотариал идорасига юборилади.

23. Омонат васият қилинганда қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

агар омонатнинг ҳаммаси васият қилинса, васиятномада унинг аниқ миқдори кўрсатилмайди;

агар омонатнинг маълум бир қисми васият қилинса, васиятномада унинг улуши кўрсатилади;

омонат миқдори омонатчининг ўлимига қадар ўзгариб туриши туфайли, васиятномада омонатнинг аниқ миқдори кўрсатилмайди.

#### **IV. Ишончномаларни тасдиқлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

24. Мансабдор шахс бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ёзилган ишончномаларни тасдиқлайди.

Бир неча шахслар номидан берилган ишончнома агар унда кўрсатилган ҳаракатлар ишонч билдирувчи шахсларнинг ҳар бирини эмас, балки ҳаммасининг бир турдаги манфаатларига тааллуқли бўлсагина тасдиқланади (масалан, бир неча ворисларнинг номидан уларнинг мерос ишларини юритиш учун ишончнома беришлари).

Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи ва санаси, ишонч билдирувчи ва ишончли вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий рўйхатга олинган манзили, ишончли вакилга берилаётган ваколатлар доираси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 141 ва 142-моддалари тушунтирилганлиги кўрсатилиши керак.

25. Ишончномаларни тасдиқлашда қуйидаги намунавий шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

мулкни бошқариш ва тасарруф этиш ҳуқуқи билан берилган ишончномалар мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ;

уй-жойни сотиш учун ишончнома мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ;

ойлик иш ҳақи (нафақа)ни олиш учун ишончнома мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ;

меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олиш учун ишончнома мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ.

Бошқа масалалар бўйича бериладиган ишончномалар ҳам юқорида кўрсатилган шакллар асосида тузилиши мумкин.

26. Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

28. Ишончномада ишончли вакилга берилган ваколатлар аниқ кўрсатилиши керак.



Ишончнома уни бераётган шахс томонидан имзоланганидан кейингина мансабдор шахс томонидан тасдиқланади ва мазкур Йўриқноманинг 10-11-иловаларига мувофиқ тасдиқловчи ёзув ёзилади.

29. Ишончнома ишонч билдирувчи шахсга берилади ёки унинг илтимосига кўра унинг ҳисобидан ишончли вакилга юборилади.

## **V. Яқуний қоидалар**

30. Мансабдор шахс васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлашни рад этишда «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 38-моддаси асосида унинг сабабларини ёзма равишда баён этади. Мансабдор шахс томонидан васиятнома ва ишончномаларни тасдиқлашни рад этиш мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига мувофиқ шаклда амалга оширилади.

31. Мансабдор шахс томонидан васиятнома ва ишончномаларни тасдиқланганлиги учун давлат божи ундирилмайди.

32. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
1-ИЛОВА

218-модда

**Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган  
васиятномалар ва ишончномаларни рўйхатга олиш  
КИТОБИ**

Тартиб рақами	Тасдиқлаш санаси	Васият қилувчининг ёки ишонч билдирувчининг Ф.И.О. ва яшаш жойи	Васиятнома ёки ишончноманинг қисқача мазмуни	Ҳужжатнинг олинганлиги ҳақида имзо	Васиятномани қайси давлат нотариал идорасига жўнатил- ганлиги ҳақида белги
1	2	3	4	5	6

— 140 —

20-21 (468-469)-сон

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
2-ИЛОВА

## ВАСИЯТНОМА

20\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни.

Мен, \_\_\_\_\_

(васият қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми

ва яшаш жойи)

да

(васият қилувчи турган «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг  
26-моддасида кўрсатилган ташкилотлардан бирининг номи)

даволаниб туриб, ўлимим эҳтимолига кўра, қуйидаги фармойишимни (топ-  
ширигимни) бераман.

Ўлимимга қадар менга тегишли бўлган мол-мулкимни, уни қаерда жой-  
лашганлигидан ва нимадан иборат эканлигидан қатъи назар, \_\_\_\_\_

га

(васиятнома кимнинг фойдасига тузилаётган бўлса, ушбу шахс (шахслар)нинг фамилияси, исми, отасининг исми)

васият қилиб қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127 ва 1142-модда-  
лари мазмуни менга тушунтирилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилиб имзоланди ва биттаси васият  
қилувчи \_\_\_\_\_га берилади, иккинчиси

(Ф.И.О.)

(васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасининг номи)

давлат нотариал идорасига сақлаш учун юборилади.

Васият қилувчининг  
фамилияси, исми, отасининг исми  
(тўлиқ ёзилади) ва имзо: \_\_\_\_\_

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
З-ИЛОВА

### ВАСИЯТНОМА

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни.

Мен, \_\_\_\_\_

(васият қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми

ва яшаш жойи)

да

(васият қилувчи турган «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг  
26-моддасида кўрсатилган ташкилотлардан бирининг номи)

даволаниб туриб, ўлимим эҳтимолига кўра, қуйидаги фармойишимни (топ-  
шириғимни) бераман.

Ўлимимга қадар менга тегишли бўлган барча мол-мулкимдан уй-жойим-  
ни (уй-жойнинг аниқ манзили кўрсатилиши мумкин) \_\_\_\_\_

га

(васиятнома кимнинг фойдасига тузилаётган бўлса, ушбу шахс (шахслар)нинг  
фамилияси, исми, отасининг исми)

васият қилиб қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127 ва 1142-модда-  
лари мазмуни менга тушунтирилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилиб имзоланди ва биттаси васият  
қилувчи \_\_\_\_\_га берилади, иккинчиси

(Ф.И.О.)

(васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасининг номи)

давлат нотариал идорасига сақлаш учун юборилади.

Васият қилувчининг  
фамилияси, исми, отасининг исми  
(тўлиқ ёзилади) ва имзо: \_\_\_\_\_

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
4-ИЛОВА

**Васият қилувчи томонидан шахсан имзоланган  
васиятноманинг тасдиқловчи ёзуви**

20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни.

Ушбу васиятномани мен, \_\_\_\_\_  
(ташкilotнинг номи, васиятномани тасдиқловчи  
мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми,  
отасининг исми)

тасдиқладим.

Васиятнома фуқаро \_\_\_\_\_  
(васият қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан менинг ҳузуримда имзоланди.

Васият қилувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Рўйхатга олиш китобига \_\_\_\_\_ рақами билан қайд этилди.

Васиятномани тасдиқловчи  
мансабдор шахснинг  
лавозими ва имзоси: \_\_\_\_\_

(ташкilotнинг мухри)

Нотариал тасдиқланган хужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
5-ИЛОВА

**Васият қилувчининг илтимосига кўра бошқа  
шахслар томонидан имзоланган васиятноманинг  
тасдиқловчи ёзуви**

20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни.

Ушбу васиятномани мен, \_\_\_\_\_  
(ташкилотнинг номи, васиятномани тасдиқловчи  
мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми,  
отасининг исми)

тасдиқладим.

Фуқаро \_\_\_\_\_ НИНГ  
(васият қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_  
(саводсизлиги, касаллиги, кўзи ожизлиги ва хоказо)

туфайли унинг илтимосига кўра ва менинг ҳузуримда васиятномани фуқаро

\_\_\_\_\_  
(васиятномани васият қилувчининг илтимосига кўра имзоловчи шахснинг  
фамилияси, исми, отасининг исми)

имзолади.

Васият қилувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Васиятномани имзоловчининг шахси аниқланди ва муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Рўйхатга олиш китобига \_\_\_\_\_ рақами билан қайд этилди.

Васиятномани тасдиқловчи  
мансабдор шахснинг  
лавозими ва имзоси: \_\_\_\_\_

(ташкилотнинг гербли муҳри)

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
6-ИЛОВА

**Мулкни бошқариш ва тасарруф этиш ҳуқуқи  
билан бериладиган  
ИШОНЧНОМА**

\_\_\_\_\_ (ишончнома тузилган жой)

\_\_\_\_\_ (ишончнома тузилган йил, ой, кун)

Мен, қуйида имзо чекувчи, \_\_\_\_\_  
(ишонч билдирувчининг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ га

\_\_\_\_\_ (ишончли вакилнинг манзили, фамилияси, исми, ота исми)

менинг барча мол-мулкимни, унинг нимадан иборат эканлиги ва қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, бошқаришга ва тасарруф этишга ваколат бераман (автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно).

У шу ваколатни бажариши юзасидан қонун билан тақиқланмаган барча битимларни тузиш, яъни, сотиш, ҳадя этиш, ҳадя сифатида қабул қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, уй-жойлар ва бошқа мулкларни гаровга олиш, ижарага бериш, тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ташкилотлардан, жумладан банклар, алоқа бўлимлари ва телеграфлардан барча асослар бўйича менга тегишли бўлган пулларни (омонатларни), қимматбаҳо қоғозларни ва ҳужжатларни қабул қилиш, менинг банкдаги ҳисоб рақамимдан фойдаланиш, менинг мулким бўйича почта, телеграф ва бошқа барча турдаги хат хабарларни олиш ҳуқуқига эга.

Ишончнома \_\_\_\_\_ муддатга берилди.

Ишонч билдирувчининг  
фамилияси, исми, отасининг исми  
(тўлиқ ёзилади) ва имзоси: \_\_\_\_\_

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
7-ИЛОВА

### Уй-жойни сотиш учун ИШОНЧНОМА

\_\_\_\_\_ (ишончнома тузилган жой)

\_\_\_\_\_ (ишончнома тузилган йил, ой, кун)

Мен, қуйида имзо чекувчи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (ишонч билдирувчининг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми)

ушбу ишончнома билан \_\_\_\_\_ га

\_\_\_\_\_ (ишончли вакилнинг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми)

менга тегишли бўлган \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (сотиш учун ишончнома берилаётган уй-жойнинг манзили)

ўзи истаган нарх ва шартлар асосида сотишга ваколат бераман.

Унга лозим бўладиган барча маълумотномаларни олиш, олди-сотди шартномасини тузиш ва имзолаш, менга тегиши керак бўлган пулларни олиш ва ушбу ваколатни бажариш юзасидан лозим бўладиган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини бераман.

Ушбу ишончнома ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқисиз (ҳуқуқи билан) \_\_\_\_\_ муддатга берилди.

Ишонч билдирувчининг  
фамилияси, исми, отасининг исми  
(тўлиқ ёзилади) ва имзоси: \_\_\_\_\_



Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
8-ИЛОВА

### Ойлик иш ҳақи (нафақа)ни олиш учун ИШОНЧНОМА

\_\_\_\_\_ (ишончнома тузилган жой)

\_\_\_\_\_ (ишончнома тузилган йил, ой, кун)

Мен, қуйида имзо чекувчи, \_\_\_\_\_ (ишонч билдирувчининг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми)

ушбу ишончнома билан \_\_\_\_\_ га (ишончли вакилнинг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ дан

(қайси ташкилотнинг кассасидан олинади)

20\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_ ойи учун менга тегишли бўлган ойлик иш ҳақи (нафақа)ни олишига ваколат бераман.

Ойлик иш ҳақи (нафақа)ни олганлик ҳақида менинг ўрнимга имзо қўйиш ва ушбу ваколатни бажариш юзасидан лозим бўладиган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини бераман.

Ишонч билдирувчининг  
фамилияси, исми, отасининг исми  
(тўлиқ ёзилади) ва имзоси: \_\_\_\_\_

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
9-ИЛОВА

**Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш учун  
ИШОНЧНОМА**

\_\_\_\_\_ (ишончнома тузилган жой)

\_\_\_\_\_ (ишончнома тузилган йил, ой, кун)

Мен, қуйида имзо чекувчи \_\_\_\_\_ (ишонч билдирувчининг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми)

ушбу ишончнома билан \_\_\_\_\_ га (ишончли вақилнинг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ дан (давлат нотариал идорасининг манзили ва номи)

меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олишга ваколат бераман.

Ушбу ваколатни бажариш учун менинг номимдан ариза бериши, лозим бўладиган бошқа маълумот ва ҳужжатларни олиши ҳамда менинг ўрнимга имзо қўйиш ҳуқуқини бераман.

Ишонч билдирувчининг  
фамилияси, исми, отасининг исми  
(тўлиқ ёзилади) ва имзоси: \_\_\_\_\_

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
10-ИЛОВА

**Ишончнома берувчи томонидан шахсан имзоланган  
ишончноманинг тасдиқловчи ёзуви**

20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни.

Ушбу ишончномани мен, \_\_\_\_\_  
(ташкilotнинг номи, ишончномани тасдиқловчи  
мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми,  
отасининг исми)

тасдиқладим.

Ишончнома фуқаро \_\_\_\_\_  
(ишонч билдирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан менинг ҳузуримда имзоланди.

Ишонч билдирувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги тек-  
ширилди.

Рўйхатга олиш китобига \_\_\_\_\_ рақами билан қайд этилди.

Ишончномани тасдиқловчи  
мансабдор шахснинг  
лавозими ва имзоси: \_\_\_\_\_

(ташкilotнинг мухри)

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
11-ИЛОВА

**Ишонч билдирувчининг илтимосига кўра бошқа  
шахслар томонидан имзоланган ишончноманинг  
тасдиқловчи ёзуви**

20\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни.

Ушбу ишончномани мен, \_\_\_\_\_  
(ташкилотнинг номи, ишончномани тасдиқловчи  
мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми,  
отасининг исми)

тасдиқладим.

Фуқаро \_\_\_\_\_нинг  
(ишонч билдирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ (саводсизлиги, касаллиги, кўзи ожизлиги ва ҳоказо)

туфайли унинг илтимосига кўра ва менинг ҳузуримда ишончномани фуқаро

\_\_\_\_\_ (ишончномани ишонч билдирувчининг илтимосига кўра имзоловчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

имзолади.

Ишонч билдирувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Ишончномани имзоловчининг шахси аниқланди ва муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Рўйхатга олиш китобига \_\_\_\_\_ рақами билан қайд этилди.

Ишончномани тасдиқловчи  
мансабдор шахснинг  
лавозими ва имзоси: \_\_\_\_\_

(ташкилотнинг муҳри)

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга  
тенглаштириладиган васиятномалар ва  
ишончномаларни тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага  
12-ИЛОВА

**Васиятнома (ишончнома)ни тасдиқлашни  
рад этишнинг намунавий матни**

20\_\_йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни.

Мен, \_\_\_\_\_  
(ташкilotнинг номи, мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_нинг  
(муружаат қилувчининг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми)

васиятнома (ишончнома)ни тасдиқлаш ҳақидаги муружаатини кўриб чиқиб,  
\_\_\_\_\_ туфайли  
(рад этиш асослари кўрсатилади)

«Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 38-мод-  
дасига асосан васиятнома (ишончнома)ни тасдиқлашни рад этаман. Ушбу  
рад этиш юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Мансабдор шахснинг  
лавозими ва имзоси: \_\_\_\_\_

(ташкilotнинг мухри)